

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши

Умумий йиғилиши Раиси
 **С. Гуломов**

2014 йил 13 июнь
31 - сонли баённома

“ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ”
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
САНОҚ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ
(янги таҳрирда)

Тошкент-2014

I. Умумий қондалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли “Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ва “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда - “Банк”) Устави, ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган ва Банк Санок комиссиясининг ҳуқуқий мақомини белгилайди.

Ушбу Низом Банкнинг ички меъёрий ҳужжати ҳисобланади ва Банк Кенгашининг таклифига биноан Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

1.2. Санок комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Банк Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши Регламенти ва мазкур Низомга асосан амалга оширади.

1.3. Санок комиссия ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда мустақил иш кўрувчи Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органи бўлиб ҳисобланади.

II. Санок комиссиясини тузиш тартиби ва унинг ваколатлари

2.1. Санок комиссияси Банк Кенгаши таклифига кўра Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) кишидан кам бўлмаган таркибда оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан сайланади.

2.2. Санок комиссияси аъзоллигига Банк акциядорлари, уларнинг вакиллари ва Банк ходимлари сайланиши мумкин. Санок комиссиянинг таркибига Банк Кенгаши ва Бошқаруви ҳамда Тафтиш комиссиясининг аъзолари, шунингдек мазкур лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар киритилиши мумкин эмас.

2.3. Санок комиссияси ваколатларининг муддати у Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб Акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан Санок комиссиясининг янги таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача ҳисобланади.

2.4. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайлангунича (қайта сайлангунича) Санок комиссиянинг ваколатлари давом этади.

2.5. Санок комиссиясига унинг Раиси раҳбарлик қилади. Санок комиссиясининг Раиси унинг аъзолари томонидан комиссия аъзолари орасидан сайланади. Санок комиссия ўзининг Раисини исталган вақтда қайтадан сайлаши мумкин. Санок комиссиянинг аъзолари комиссиянинг Раиси йўқлигида унинг вазифасини бажариб туриш учун Раиснинг ўринбосарини сайлашлари мумкин.

Санок комиссия Раиси янги Санок комиссияси таркибига сайланганда, Санок комиссиянинг янги Раиси сайлангунга қадар Раиснинг вазифаларини бажариб туради. Агар Санок комиссиянинг Раиси янги Санок комиссиясига сайланмаган бўлса, Санок комиссиясининг Раиси сайлангунга қадар унинг вазифаларини бажариб туриш Санок комиссиясининг аъзоларидан бирига юклатилиши мумкин.

Санок комиссиянинг Раиси комиссия ишини ташкил қилади, Санок комиссия мажлисини чақиради ва мажлисга Раислик қилади, Санок комиссия мажлиси баённомаси юритилишини таъминлайди, мазкур Низомда кўрсатилган бошқа вазифаларни бажаради.

2.6. Санок комиссиянинг котиби ҳам Санок комиссияси аъзоларидан сайланади. Санок комиссия котиби янги Санок комиссияси таркибига сайланганда, Санок

комиссиясининг янги котиби сайлангунга қадар котибнинг вазифаларини бажариб туради. Агар Санок комиссиянинг котиби янги Санок комиссиясига сайланмаган бўлса, Санок комиссиянинг котиби сайлангунга қадар унинг вазифаларини Санок комиссиянинг Раиси бажариб туради.

Санок комиссия котиби комиссия мажлисининг баённомасини тузади ва юритади. Санок комиссиясига келадиган ҳужжатларни сақлайди, Санок комиссиядан чиқувчи ҳужжатларни нусхаларини олади ва уларнинг ҳисобини юритади, Санок комиссия мажлиси ҳужжатларини тайёрлайди, Санок комиссия аъзоларининг ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни уларга беради. Умумий йиғилиш ва бошқа тадбирлар ўтказилиши тўғрисида Санок комиссия аъзоларига етказилади.

III. Санок комиссиянинг вазифа ва функциялари

3.1. Банк акциядорларига Умумий йиғилишда тенг қатнашиш имкониятини таъминлаш ва Акциядорларига умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар бўйича уларнинг хоҳиш-иродаларини тўғри аниқлаш Банк Санок комиссиясининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

3.2. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик қўриш пайтида Санок комиссияси Банк Кенгашининг топшириғига қўра қуйидаги функцияларини амалга оширади:

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;

овоз бериш бюллетенларини ва Акциядорлар умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини олиб боради.

3.3. Акциядорлар умумий йиғилишида олдинги Умумий йиғилиш томонидан сайланган Санок комиссияси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Акциядорлар умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказилади;

ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;

овоз бериш бюллетенларини ва Акциядорлар умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материаллари)ни беради;

Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини белгилайди.

3.4. Таркиби бўлиб ўтаётган Акциядорлар умумий йиғилиши давомида тасдиқланган Санок комиссияси:

акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини аниқлайди;

Акциядорлар умумий йиғилиш ишчи органларини сайлашни ташкил этади;

акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;

овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳуқуқини таъминлайди;

овозларни санайди ва овоз бериш якунларини чиқаради;

овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади;

Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳужжатлари, шу жумладан овоз бериш бюллетенлари (муҳрланган ҳолда), ишончномалар (нусхалари) ва бошқа ҳужжатларни Банк архивига топширади;

Акциядорлар умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқукига эга бўлган акциядорларга маълумотлар ва рўйхатдан кўчирмалар беради.

3.5. Санок комиссияси амалдаги қонунчилик, Банк Устави ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа функцияларни амалга оширади.

IV. Санок комиссиясининг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

4.1. Санок комиссияси Банк акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида ҳаракат қилишлари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишида ва мажбуриятларини бажаришда Банк ва унинг акциядорларига нисбатан ҳалол ва оқилона иш тутишлари лозим. Санок комиссияси ўз вазифа ва функцияларини бажаришда ўзига маълум бўлиб қолган конфиденциал маълумотларни ошкор қилмаслиги лозим.

4.2. Санок комиссияси Акциядорлар умумий йиғилишни ўтказиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган маълумотлар (ҳужжатлар ва материаллар)ни Банк ходимларидан талаб қилиб олишга ҳақлидирлар.

4.3. Санок комиссияси ўз хизмат вазифаларини аниқ ва ўз вақтида бажариш, овоз беришнинг ҳаққоний натижаларининг Санок комиссияси баённомасидаги ёзувлар билан бир хил бўлиши учун жавобгардир.

V. Акциядорлар ва уларнинг вакилларини рўйхатга олиш тартиби

5.1. Санок комиссияси Акциядорларнинг умумий йиғилишда қатнашувчи акциядорларни ваколатларини текширади, уларни рўйхатга олади ва умумий йиғилишда қатнашувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхатига тегишли маълумотларни киритади.

5.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

акциядор (жисмоний шахс) - шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт в.б.);

акциядор (жисмоний шахс) вакили – ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган акциядор номидан ишончнома ва ишончли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт в.б.);

акциядор (юридик шахс) вакили - ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган юридик шахс номидан ишончнома ва ишончли вакил шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт в.б.);

акциядор бўлган юридик шахснинг раҳбари – амалдаги қонунчиликка биноан лавозими ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат.

VI. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш уларни ҳисоблаш тартиби

6.1. Санок комиссия томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилиш иштирокчисига “Умумий йиғилишининг қайд қилиш рўйхати”га имзо қўйдирган ҳолда овоз бериш бюллетенлари, акциядорларга тақдим этиладиган бошқа материаллар берилади. Овоз бериш вақтида акциядор овоз бериш бюллетени тўлдиришда хатога йўл қўйса, тегишли тартибда қайд этиш орқали Санок комиссияси томонидан унга янги овоз бериш бюллетени берилиши мумкин.

6.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз беришнинг бошланиш ва тугаш вақти Акциядорларнинг умумий йиғилишига Раислик қилувчи томонидан белгиланади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш тугагандан сўнг,

Санок комиссияси томонидан бюллетенлар йиғиб олинади.

Санок комиссияси томонидан овозлар ҳисобланиб чиқилади ва овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузилади. Санок комиссияси Раиси овоз беришнинг яқунлари ва натижалари тўғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилишига маълум қилади.

VII. Санок комиссияси ҳужжатлари ва уларни сақлаш

7.1. Санок комиссиясининг баённомалари барча акциядорлар ва Банк Бошқаруви органлари учун мажбурийдир. Санок комиссияси баённомалари Акциядорлар умумий йиғилишнинг махсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ҳамда Акциядорлар умумий йиғилиш баённомасига тикиб қўйилади.

7.2. Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси имзолангандан кейин Санок комиссияси йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан умумий йиғилишда қатнашувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхати, Санок комиссияси аъзолари томонидан имзоланган муҳрланган овоз бериш бюллетенларини, овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённомаларни ва Акциядорлар умумий йиғилиши баённомасини сақлаш учун Банк архивига топширади.

IX. Яқуний қоидалар

8.1. Мазкур Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

8.2. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан амалга оширилади.


“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

**Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши Раиси**



С. Ғуломов

Бошқарув Раиси в.в.б




Ж. Обиджонов

Бошқарув
Раиси ўринбосари




Ш. Якубов

Бошқарув
Раиси ўринбосари



С. Ходжаев

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
департаменти директори –
бош бухгалтери в.в.б



А. Дадаханов

Иқтисодий таҳлил
департаменти директори



Б. Рахматов

Юридик бошқарма
бошлиғи



Б. Усманов

Қимматли қоғозлар билан
ишлаш бошқамаси бошлиғи



У. Газиев

Ғазначилик бошқармаси бошлиғи



Х. Акбаров